

Ўзбекистон Республикаси  
Конституциявий судининг  
2021 йил “31” майдаги  
КСҚ-8-сонли қарори билан  
тасдиқланган

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ  
СУДИДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ  
МУРОЖААТЛАРИНИ КҮРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида (бундан буён матнда Конституциявий суд деб юритилади) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини (бундан буён матнда мурожаатлар деб юритилади) кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом қоидалари:

а) “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди түғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 27-моддасида кўрсатилган субъектларнинг Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масала киритиш түғрисидаги мурожаатларига;

б) Конституциявий суд ваколати доирасида қарор қабул қилинишини талаб этмайдиган масалалар юзасидан давлат органлари, уларнинг таркибий бўлинмалари ва мансабдор шахслари билан ёзишмаларга татбиқ этилмайди.

2. Конституциявий судда мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари түғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда ушбу Низомга мувофиқ кўриб чиқилади.

3. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ариза** - хуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш түғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

**таклиф** – суд ҳокимияти фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

**шикоят** - бузилган хуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш түғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

**электрон мурожаат** - белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

**такрорий мурожаат** - айни бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилаётган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонун хужжатларида белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат;

**аноним мурожаат** - жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

**мурожаатнинг дубликати** - айни бир жисмоний ёки юридик шахс мурожаатининг қўчирма нусхаси;

**оммавий қабул** – Конституциявий суд раҳбариятининг ёки судьялар ва Девон ходимларининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати.

5. Конституциявий судга келиб тушган мурожаатлар (электрон шаклда келиб тушган мурожаатлар қоғозга чоп этилган ҳолда), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатлар Конституциявий суд девонида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича йўриқнома қоидаларига мувофиқ расмийлаштирилади. Ўрганиб чиқувчи ижрочиларни белгилаш мақсадида мурожаатлар Конституциявий суд раиси, унинг йўқлигига Конституциявий суд раисининг ўринbosарига тақдим этилади.

6. Мурожаатларни ўрганиб чиқиш иш юкламаси ва ихтисосликка мутаносиб равишда Конституциявий суднинг судьялари, катта эксперtlари ва эксперtlарига топширилади. Мурожаатни ўрганиб чиқиш бир неча ижрочига ҳам топширилиши мумкин.

7. Конституциявий суднинг раиси ёки унинг ўринbosари топшириғига асосан мурожаатлар ижрочиларга тарқатилади. Ижрочилар томонидан мурожаат қабул қилиниб, иш юритиш қоидаларига мувофиқ тегишли ҳисобга олиш карточкалари тўлдирилади.

8. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасида назарда тутилган:

- а) аноним мурожаатлар;
- б) жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

в) қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар кўрмай қолдирилади.

Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда уни ўрганган ходим томонидан тегишли хulosса тузилади, у Конституциявий суд Девони раҳбари томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаатга тегшили тартибда хабардор қилинади.

9. Коида тариқасида мурожаатларга жавоблар мурожаат этилган тилда баён қилинади. Улар иш юритиш қоидаларига мувофиқ расмийлаштирилади.

10. Мурожаатлар билан ишлашни ташкил этиш Конституциявий суд Девони раҳбари томонидан амалга оширилади

## **II. КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ВАКОЛАТИ ДОИРАСИДАГИ МАСАЛАЛАР АКС ЭТТИРИЛГАН МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

11. Мурожаат қўйидаги талаблардан бирига жавоб берса, у Конституциявий суд ваколати доирасидаги масалалар акс эттирилган мурожаат ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш сўралган бўлса;

б) Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш сўралган бўлса;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хulosса бериш сўралган бўлса;

г) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ бериш сўралган бўлса;

д) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда кўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий хужжатларининг Ўзбекистон

Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқиш сўралган бўлса;

е) конституциявий суд ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот юзасидан маълумот сўралган бўлса;

ё) муайян ишда қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг конституциявий ҳукук ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятлар бўлса;

ж) Конституциявий суд томонидан қонунчилик ташаббуси ҳукуки асосида қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш таклифи берилган бўлса;

з) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлган, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно)ни бекор қилиш сўралган бўлса.

12. Конституциявий суд ваколати доирасидаги масалалар акс эттирилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонадан юборилган мурожаатлар Конституциявий суднинг раиси ёки унинг ўринbosари топшириғига мувофиқ Конституциявий суднинг судьяси томонидан ўн беш кун ичida, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча хужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқлади.

13. Мурожаатни ўрганиб чиқаётган Конституциявий суднинг судьяси мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш мақсадида:

- кўрилаётган масалага аниқлик киритиш ва қўшимча материаллар тўплаш учун мурожаат йўллаган жисмоний шахсни ёки юридик шахснинг вакилини Конституциявий судга таклиф қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги шубҳа остига олинаётган қонун хужжатининг ижро этиш амалиётини тахлил қилиши;

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг шарҳ бериш сўралган нормасини қўллаш амалиётини ўрганиши;

- тегишли қонун хужжатининг ижросини таъминлаётган ёки нормасини қўллаётган мутасадди ташкилот вакилларини таклиф этиши;

- тегишли идора ва мансабдор шахслардан кўрилаётган мурожаатга оид қўшимча маълумотлар талаб қилиши мумкин.

14. Мурожаатни ўрганиб чиқувчи судья мурожаатда кўрсатилган масалани Конституциявий судда кўриб чиқиш учун асос йўқлиги тўғрисида хulosага келса, мурожаатни кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этиш

ҳақида Конституциявий суд ажрими лойиҳасини тайёрлайди ва Конституциявий судда кўриб чиқиш учун киритади.

15. Мурожаатни ўрганиб чиқувчи судья мурожаатда кўрсатилган масалани Конституциявий судда кўриб чиқиш учун асос борлиги тўғрисида хulosага келса, бу ҳақда тегишли маълумотномани тузиб Конституциявий суднинг раиси ёки унинг ўринбосарига тақдим этади.

Конституциявий суд раиси ёки унинг ўринбосарининг топшириғига мувофиқ ушбу мурожаат, маълумотнома ва унга тааллуқли бошқа материаллар Конституциявий суднинг бошқа судъялари томонидан ўрганиб чиқилади ва ўрганиш якуни бўйича мурожаатни кўриб чиқиш учун қабул қилиш тўғрисида Конституциявий суд ажрим чиқаради.

### **III. КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ВАКОЛАТИ ДОИРАСИГА КИРМАЙДИГАН МАСАЛАЛАР АКС ЭТТИРИЛГАН МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

16. Ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган ва Конституциявий суд ваколатига тааллуқли бўлмаган мурожаатлар Конституциявий суд Девони томонидан ўрганиб чиқилади.

17. Конституциявий суд ваколатига тааллуқли бўлмаган мурожаатлар катта эксперtlар ва эксперtlарга ўрганиш учун топширилади. Ўрганиш якуни бўйича ҳар бир мурожаат юзасидан тегишли тартибда маълумотнома тузилади ва бу маълумотномага катта эксперт ёки эксперт бириктирилган судья томонидан виза қўйилади.

18. Ҳал этилиши бошқа органларнинг ваколатига кирувчи масалалар акс этирилган мурожаатлар Конституциявий суд раисининг ўринбосари билан келишган ҳолда беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга юборилади ва бу ҳақда мурожаат этувчига хабар берилади.

19. Мурожаатда акс этирилган масалаларни ҳал этиш ваколати доирасига киритилган тегишли органни аниқлаш имконияти бўлмаса, Конституциявий суд раисининг ўринбосари билан келишган ҳолда беш кунлик муддатдан кечиктирмай мурожаат этувчига мурожаатда акс этирилган масалаларни ҳал этиш Конституциявий суд ваколати доирасига кирмаслиги тўғрисида асослантирилган хабар берилади.

### **IV. МУРОЖААТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ**

20. Конституциявий суд девонида мурожаатларнинг ҳисоби олиб борилади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш мақсадида

мурожаатлар умумлаштирилиб, таҳлил этилади.

Конституциявий суд девони келиб тушган мурожаатларнинг статистик ҳисобини юритади ва ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштиради ва таҳдил қиласди.

Конституциявий суд Девони раҳбари томонидан мурожаатларни ўрганиш натижалари бўйича Конституциявий суднинг ярим йиллик ва йиллик хизматга оид кенгашларига ёзма ҳисбот тақдим этилади.

21. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича ҳисботда мурожаатларнинг мавзуси ва улар келиб тушган худуд бўйича таҳлили, мурожаатларнинг олдинги йилга нисбатан ўсиш динамикаси ва бошқалар кўрсатилади.

## **V. КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДДА ФУҚАРОЛАРНИ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

22. Конституциявий суд судьялари ва Девон ходимлари томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

23. Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг шахсий қабулини ўтказувчи судьялар ва Девон ходимлари ҳар қандай масалалар, шу жумладан ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас, агар уларнинг шундай хусусиятга эга бўлган аввалги мурожаати бўйича қарор қабул қилинган ва бу ҳақда уларга ушбу Қонунда белгиланган тартибда хабар қилинган ҳоллар бундан мустасно.

24. Қабул вақтида қилинган оғзаки мурожаатлар умумий тартибда кўриб чиқилади.